

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АСРОРОВ АНВАР АХРОР ЎҒЛИ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ПАСТ НАВЛИ ФОСФОРIT
РУДАЛАРИНИ БОЙИТИШНИНГ БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Асроров Анвар Ахрор ўғли

Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудаларини бойитишнинг
биотехнологик усулини ишлаб чиқиш..... 3

Асроров Анвар Ахрор угли

Разработка биотехнологических способов обогащения
низкосортных фосфоритовых руд Централных Кызылкумов 21

Asrorov Anvar Akhror ugli

Development of a biotechnological method for enrichment of poor
phosphorite ores of the Central Kyzylkum..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АСРОРОВ АНВАР АХРОР ЎҒЛИ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ПАСТ НАВЛИ ФОСФОРIT
РУДАЛАРИНИ БОЙИТИШНИНГ BIOTEХНОЛОГИК УСУЛИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Навоий – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/T1553 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Дониоров Нодиржон Абдиҳакимович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Муҳиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Алимов Умарбек Кадирбергенович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.T.06.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Гаробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Гаробий кўчаси, 72-уй, Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 03 кўни тарқатилди.
(2022 йил «14» 03 даги 4 рақамли реестр баённомаси)



К. Санакулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

О.У. Фузайлов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси котиби, т.ф.д.(PhD)

Д.Б. Холиқулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, в.в.б., т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорининг ошиши минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига рўй беради. Фақат минерал ўғитлар ва биринчи навбатда фосфорли ўғитларни мунтазам равишда қўллаш қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини икки баробардан зиёд ошириш имконини беради. Юқори сифатли янги турдаги фосфор таркибли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун паст навли фосфорит рудаларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда маиший ва саноат чиқинди сувларидан ажратилган қаттиқ фазалардан ўғит сифатида қишлоқ хўжалигида фойдаланиш кенг оммалашиб бормоқда. Тупроққа фаол лойқа аралашмасини қўшиш унинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини яхшилаши аниқланган. Бу борада янги турдаги органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш мақсадида паст навли фосфорит рудаларини самарали бойитиш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фосфорит рудаларини бойитиб, олинган бойитмалардан фосфор таркибли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича илғор илмий асосланган технологияларни жорий қилиб, бир қатор илмий амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар Стратегиясида «тузилмавий ислохотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳаракатли ривожлантириш, давлат озиқ-овқат хавфсизлигини келгусида мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш»¹ бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда минерал ўғитларга бўлган талабни қондириш мақсадида паст навли фосфорит рудаларини самарали қайта ишлаш, оқова сувлар чиқиндиларининг кўп миқдорда йиғилиб қолганлиги, улардан озучавий ва органик моддаларга бой ўғитлар ишлаб чиқариш, оқова сув чиқиндилари таркибида патоген микроорганизмлар мавжуд бўлиб, уларни турли ишқор ва кислоталар билан зарарсизлантириш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини риволантириш дастури», 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чоралари» ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия соҳаси корхоналари фаолиятини келгусида такомиллаштириш чоралари» ҳақидаги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлар тўплами. –Т., 2017. – 103 б.

амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республиканинг илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда минерал хом ашёлардан оқилона фойдаланиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва хом ашёдан комплекс фойдаланиш ва қайта ишлаш жараёнида микроорганизмларни қўллаш бўйича илмий изланишларга Б.А. Копылёв, Б.М. Беглов, М.Е. Позин, Н.Н. Треуенко, С.А. Абдурахмонов, А.У. Эркаев, К. Санақулов, М.Г. Сағдиева, С.И. Куканова, Ш.С. Намозов, Л.И. Зайнитдинова, Т.И. Нурмуродов, Н.А. Донияров ва шу каби бошқа олимлар катта ҳисса қўшган.

Ҳозирги вақтда Республикада фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш Марказий Қизилқум кони фосфоритларининг сифати билан чекланган. Марказий Қизилқум фосфорит рудалари фосфор миқдори нисбатан кам бўлган хом ашё ҳисобланиб, таркибида фосфордан ташқари кўп миқдорда кераксиз аралашмалар хусусан карбонат ва хлорни ўз ичига олади. Бундай хом ашё улардан юқори концентрацияли фосфорли ўғитлар олиш учун мос эмас.

Шунинг учун паст навли фосфорит рудалари таркибидаги кальцит ва франколит кўринишидаги эримайдиган минералларни структурасини бузиш (деструкция) учун биокимёвий тозалаш цехларининг фаол лойқа микрофлорасидан фойдаланиш устувор вазифа саналади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИП-2015-7-21–«Марказий Қизилқум фосфоритларини қимматли компонентларни (КЕЭ, U ва бошқалар) ажратиб олиш билан бирга экологик тоза фосфорли ўғитларга комплекс қайта ишлашнинг рационал технологиясини яратиш», №4-2018 –«Фосфор билан бойитилган азотли-фосфорли полиэлементли органоминарал ўғитлар олиш учун ҚФК чиқинди омбори лойқа қисмидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018 й.) мавзусидаги хўжалиқ шартномаси; А-АВ-2019-13 – «Марказий Қизилқум паст навли фосфоритлари, фаол лойқа микрофлораси ва минерал кислоталар асосида янги турдаги гранулаланган комплекс органоминарал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзусидаги давлат гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудаларини бойитишнинг биотехнологик усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудаларини бойитиш муаммоларининг ҳозирги аҳволини тадқиқ қилиш асосида паст навли

фосфорит рудаларининг минерологик таркибини ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

саноат ва маиший чиқинди сувларнинг кимёвий ҳамда биологик таркибини ўрганиш асосида фосфорит рудаларини бактериал усулда бойитишнинг оптимал режимларини танлашда микроорганизмларнинг таъсирини ўрганиш;

паст навли фосфорит рудаларини бойитиш учун аэротенкнинг тажриба қурилмасини яратиш ва бойитилган органоминерал ўғит олиш учун Қ:С нисбатини танлаш;

микроскоп ёрдамида паст навли фосфорит рудаларини ташкил қилувчи минералларнинг бактериялар таъсирида сутруктураси ўзгаришларини ўрганиш;

олинган натижалар асосида паст навли фосфорит рудасини фаол лойқа микрофлораси ёрдамида бойитишнинг оптимал технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Қизилқум Жерой-Сардара конининг паст навли фосфорит рудаси ҳамда биокимёвий тозалаш цехларининг фаол лойқаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети паст навли фосфорит рудаларини биокимёвий тозалаш цехлари фаол лойқа микрофлорасидан фойдаланиб, биотехнологик усулда бойитиш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Таҳлилни физик-кимёвий усуллари, ИК-спектроскопик, физик-механик усуллар, рентгенографик анализ, таҳлилни кимёвий ва фазавий усуллари ҳамда фосфорит рудаларининг морфологик тузилишини микроскопик таҳлили усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паст навли фосфорит рудаларининг кимёвий ва минерологик таркиби шунингдек уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари тадқиқ қилинган;

биринчи марта саноат ва маиший-хўжалик чиқинди сувларининг кимёвий таркиби ва биологик таркиби ўрганилиб, микроорганизмларнинг фосфорит рудасига таъсири ҳамда бактериал усулда бойитиш технологик схемаси ва жараёнининг оптимал режимлари ишлаб чиқилган;

фосфорит рудасини фаол лойқа микрофлораси билан ўзаро таъсири жараёнига таъсир этувчи физикавий ва кимёвий омиллар (рН муҳит, азот, фосфор, кальций ва бошқа элементларнинг миқдори, жараён давомийлиги, Қ:С нисбати, аэрация даражаси ва бошқалар) таъсирларини ўрганишда франколит ва кальцитни парчалашнинг мақбул муддатлари аниқланган;

биринчи марта фаол лойқа микрофлорасининг бактериал таъсирида фосфоритлар таркибида минераллар парчаланиш механизмини ўрганиш асосида дастлабки, оралиқ ва охириги ноорганик ва органик бирикмалар ҳамда кислотали аралашмалар таркибининг сифат ва миқдорий ўзгаришлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқум фосфорити юқори даражада карбонатлашган бўлиб, наъмуналарда CO_2 нинг миқдори 27% гача ва ундан ортиқ. Фосфоритлар

таркибида никель, марганец, кобальт, мис мавжуд бўлиб, улар фосфоритларни фаол лойқа микрофлораси билан қайта ишланганда минерал ўғит таркибига микроэлементлар сифатида ўтиши ўрганилган;

«Навоийазот» АЖ нинг биокимёвий тозалаш цехининг қаттиқ қолдиғини таҳлил қилиш натижасида асосий макроэлементлар – азот, фосфор, калий ва шунингдек барча микроэлементларларнинг миқдори ўрганилган;

фаол лойқа микрофлораси билан фосфорит рудаларини таъсирлашишини энг самарали усули ҳаво ёрдамида аралаштириш эканлиги аниқланган;

бойитиш мақсадида паст навли фосфоритлар ва Навоий шахри маиший ва саноат чиқиндиларини тозалаш иншоотининг фаол лойқасига нисбати, рН муҳит, ҳарорат ҳамда жараён давомийлиги аниқланган;

фаол лойқани микрофлораси ёрдамида, паст навли фосфорит рудаларини биотехнологик бойитишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги кенг миқёсда ўтказилган тажриба ва ярим-саноат синовлари паст навли фосфорит рудасини фаол лойқа микрофлорасидан фойдаланиб бойитиш натижалари далолатнома орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паст навли фосфорит рудасини фаол лойқа микрофлораси билан бойитиш самарадорлигининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, фаол лойқанинг органик қисми билан аралаштириш орқали рудани бойитишнинг мақбул тартибини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рудани бойитишга тайёрлаш, фаол лойқа микрофлораси билан аралаштириш, уларни технологик тартибини назорат қилиш, Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритли рудаларини биотехнологик бойитиш босқичларини ўз ичига олган технология ишлаб чиқаришдаги таклифлар ва синовлар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудаларини бойитишнинг биотехнологик усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат ва маиший-хўжалик чиқинди сувларининг кимёвий ва биологик таркиби ўрганилиб, фаол лойқа микрофлораси билан фосфорит рудаларини таъсирлашишининг энг самарали, ҳаво ёрдамида аралаштириш усули «Электрокимё завод» ҚК АЖ азот бирикмалари асосида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш саноатида жорий қилинган («Электрокимё завод» ҚК АЖнинг 2021 йил 10 сентябрдаги 85-сонли маълумотномаси), натижада фаол лойқада мавжуд бўлган азот, фосфор, калий ва фосфорит рудаси таркибидаги P_2O_5 , CaO , MgO ларнинг эрувчан қисмини ошириб, сифатли бойитма олиш имконини берган;

фаол лойқани кўллаб паст навли фосфорит рудаларини биотехнологик бойитишнинг технологияси «Электрокимё завод» ҚК АЖ азот бирикмалари асосида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш саноатида жорий қилинган («Электрокимё завод» ҚК АЖнинг 2021 йил 10 сентябрдаги 85-сонли

маълумотномаси), натижада олинган бойитма таркибида P_2O_5 миқдорини 6 % га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий ва илмий-техникавий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг Республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудасининг характеристикаси, фаол лойқа микрофлорасининг таркиби**» деб номланган биринчи бобида паст навли фосфорит рудаларининг хусусиятлари ва кимёвий таркиби, Қизилқум фосфорит рудаларининг ўзига хослиги, уларни минералогик таркиби тадқиқ қилинган. Шунингдек маиший-хўжалик ва саноат чиқинди сувлари таркибидаги фаол лойқанинг кимёвий таркиби ва лойқа таркибидаги микроорганизмлар микрофлорасидан фойдаланган ҳолда чиқинди сувларни тозалаш усуллари келтирилган.

Фосфорит рудалари Ўзбекистон Республикасининг кўпгина вилоятларида (Фарғона, Сурхондарё, Тошкент атрофида, Навоий Марказий Қизилқум, Бухоро, Хива ва Қорақалпоғистонда) учрайди. Аммо ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан энг истиқболли жой Марказий Қизилқум фосфоритлари ҳисобланади.

Фосфор қуруқликдаги ва саёз океан чўкиндиларидаги фосфат конларидан аста-секин тирик организмларга ўтади ва айланиш циклида иштирок этади. Фосфор ҳаётнинг ҳар қандай намоён бўлиши учун зарурдир ва ҳужайра ядросининг ажралмас қисми бўлиб, ҳужайра нафас олиш учун зарурдир. Тупроқдаги фосфорнинг трансформацияси ёпиқ цикл ҳосил қилади, чунки PO_4^{4-} ионлари физик-кимёвий, кимёвий ва биологик воситалар ёрдамида интенсив равишда фиксацияланади. Бу циклни микроорганизмлар бошқаради, улар фосфорнинг эриши ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши мумкин

бўлган бирикмаларга айланишида ҳам, унинг вақтинча фиксацияси ёки ассимиляциясида ҳам иштирок этади. Тупроқдаги фосфатларнинг эриши нафас олиш жараёнида ҳосил бўлган CO_2 ва ўсимликларнинг илдизлари томонидан органик кислоталарнинг ажралиб чиқиши туфайли кислотали муҳит яратилиши туфайли содир бўлади.

Фаол лойқа - оқава сувларни тозалашда иштирок этадиган бактериялар ва содда организмлар зооген бирикмаларининг (колонияларининг) биоценози. Чикинди сувларни биологик тозалаш мақсадида ишлатилади.

Оқава сувларни биологик тозалаш улардан органик моддаларни, шу жумладан азот ва фосфор бирикмаларини олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Биологик тозалаш усули турли хил микроорганизмларнинг маълум шароитда ифлослантирувчи моддаларни озуқа сифатида ишлатиш қобилиятига асосланган. Биокимёвий тозалаш иншоотларининг суяқ чиқиндиларининг фаол лойқасида учрайдиган кўпгина микроорганизмлар ҳужайраси ичида ифлослантирувчи моддаларни ўзлаштиради, у ерда ферментлар таъсирида биокимёвий ўзгаришга учрайди.

Саноат чиқинди сувларини тозалашда содда микроорганизмларнинг аэроб турига мансублари устунлик қилади. Содда организмлар органик бирикмаларни йўқ қилишда бевосита иштирок этмайди, лекин улар кўп миқдорда бактерияларни ўзлаштиради (битта инфузория ўз организмга 20 дан 40 мингтагача бактерияни ўзлаштиради) ва уларнинг лойқа таркибидаги оптимал таркибини сақлаб қолади. Улар лойни чўктириш ва чиқинди сувни тозалаш учун ҳисса қўшади.

Чикинди сув чўкмаларини ўғит сифатида таснифлаш ва стандартлаштиришнинг аниқ меъзони йўқ, чунки чўкмалар таркибидаги биоген элементлар, фосфор, азот ва калийнинг миқдори турлича. Улар чўкмаларнинг тури ва келиб чиқишига кўра катта фарқ қилади.

Қуритилган фаол лойқа таркибида 40-50% оқсил, қолган қисмини фенол каторига кирувчи моддалар, формальдегид, карбон кислоталари ва бошқалар ташкил этади. Минерал қисми микроэлементлардан таркиб топган бўлиб, унинг таркибига ўсимликларнинг ривожланиши ва мўл ҳосил олиниши учун ўта муҳим ҳисобланган: бор, магний, марганец, фосфор, кобальт, калий, кальций ва бошқа элементлари мавжуд. Умуман олганда, тозаловчи ускуналарнинг бижғиган чўкмаси синфланиши буйича органоминерал азотли фосфорли кўп микроэлементли ўғитлар сирасига мансуб.

Кўпгина микроорганизмлар эримайдиган фосфор кислотаси бирикмаларини эритиши мумкин. Шунинг учун минералларнинг деструкцияланишида ва ҳосил бўлиш жараёнларида микроорганизмларнинг аҳамияти катта.

Фосфорит рудаларини биотехнологик усуллар билан бойитиб, янги турдаги органоминерал ўғитлар олиш учун яроқли бойитма олиш фан ва техниканинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Тадқиқот объекти ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ўрганилган, бунда Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфорит рудалари ва биокимёвий тозалаш цехларининг фаол

лойқасини минералогик таркиби ҳамда тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш тавсифлари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Марказий Қизилқумнинг Жерой-Сардара конидаги карбонатлар миқдори юқори ва P_2O_5 миқдори кам бўлган паст навли фосфорит рудаси олинди. Паст навли фосфорит рудаларининг кимёвий таркиби қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Марказий Қизилқум фосфоритларининг кимёвий таркиби

Компонентлар	P_2O_5	Al_2O_3	CO_2	CaO	SiO_2	CO_3	MgO
Миқдори, (%)	12	1,5-3,0	8-15	42-48,1	6,0-8,0	2,5-3,5	2,5-3,5
Компонентлар	Fe_2O_3	SO_3	U	Фтор	КЕЭ умумий	H_2O	Эримай-диган қисм
Миқдори, (%)	0,6-0,8	2,8-3,0	0,003-0,008	1,8-3,2	0,04-0,089	10,0	8,0-8,2

Марказий Қизилқумнинг фосфоритлари асосан майда заррачали кальцит цемент билан бириккан фосфатланган фауна қолдиқларидан иборат. Минералогик ўрганиш натижалари фосфорит руда заррачаларини бир хил таркиблигини кўрсатади. Асосий фосфорит минераллари – франколит (фторкарбонатит) ва кальцит руданинг 80-90% ни ташкил этади.

Фаол лойқа таркибида ҳам кўплаб макро ва микро элементлар мавжудлигини аниқланди (2-жадвал). Фаол лойқанинг кимёвий таркибидан макроэлементларга етарли даражада бой эканини кўриш мумкин.

2 - жадвал

«Навоийазот» АЖ нинг биокимёвий тозалаш цеҳи фаол лойқасининг кимёвий таркиби

Фаол лойқа таркиби, %								
Намлиқ	Органик моддалар	азот	P_2O_5	K_2O	CaO	MgO	кул	Қуруқ масса
95,38	2,99	0,12	0,14	0,01	0,17	0,02	1,41	4,86
Қуруқ масса бўйича, %								
95,38	2,99	0,12	0,14	0,01	0,17	0,02	1,41	4,86

Олиб борилган тажрибада микроорганизмлар учун биокимёвий тозалаш цеҳларидаги шароитлар яратилиб 15 кун давомида ҳаво ёрдамида аралаштириб турилди ва 5 хил тажриба вариантлари ўтказилди (3-жадвал).

3-жадвал

Фосфорит рудаси устида фаол лойқа билан олиб борилган тажриба вариантлари

Номи	Қ:С нисбати	1- вариант	2- вариант	3- вариант	4- вариант	5- вариант
------	-------------	------------	------------	------------	------------	------------

Фосфорит. руда (ФР)	1:4	ФР + Суv	ФР + ФЛ(с.ф.)	ФР+ ФЛ(к.ф.)	ФР+ ФЛ(с.ф.) +Аэрация	ФР+ ФЛ(к.ф.)+ Аэрация
------------------------	-----	----------	------------------	-----------------	-----------------------------	-----------------------------

Фосфорит рудаси билан олиб борилган вариантларда умумий фосфорнинг улуши фақат фаол лойқанинг қаттиқ қолдиғидан фосфор қўшилиши туфайли кам ўзгаради, бу эрда унинг миқдори қаттиқ қолдиқ бўлган вариантларда 12% дан 18% гача кўтарилади.

Трилон Б бўйича фосфор ангидридининг эрувчан қисмини ҳисобга олиш, қаттиқ қолдиқ ёрдамида фойдали компонентнинг 1,53% дан 2,06% гача ўсишини кўрсатди. Ушбу натижалар эрувчан фракциянинг эримайдиган фракцияга нисбатини аниқлаш билан тасдиқланади, бу эрда эрувчан фракциянинг улуши P_2O_5 36,26% дан 56,38% гача фаол лойқанинг қаттиқ қолдиғидан фойдаланиш натижасида ошади.

4- жадвал

Фосфорит рудаси фаол лойқа билан ўзаро таъсири бўйича кимёвий таҳлил натижалари

Намуналарнинг кимёвий таркиби, %	Фосфорит рудасининг суюқ фаза билан қаттиқ қолдиқли таъсирлашишдан кейинги кимёвий таркиби		
	1.Фосфорит рудаси+ H_2O	4. ФР+ФЛ (с.ф.)+ H_2O +Аэрация	5. ФР+ФЛ (к.к.)+ H_2O +Аэрация
Намлик	75,68	70,73	71,94
Органик моддалар	0,12	4,31	5,18
Кул	23,5	23,96	22,88
Азот ум.	0,03	0,12	0,14
$P_2O_{5ум.}$	12,0	17,3	18,0
$P_2O_{5ўзл.}$ Трилон Б бўйича	1,53	1,79	2,06
$P_2O_{5ўзл.} / P_2O_{5ум.}$	36,26	50,12	56,38
$CaO_{ум.}$	10,65	10,66	10,89
$CaO_{ўзл.}$ 2% ли чег.	8,14	8,33	9,33
$CaO_{ўзл.} / CaO_{ум.}$	76,52	78,22	85,66
MgO	0,31	0,33	0,36
Қуруқ масса	24,03	26,27	25,06

Кальцийнинг миқдори барча тажриба вариантларда деярли бир хил яъни 10-10,9% ни ташкил этди. Эрийдиган кальций фракциясини ҳисобга олиш шуни кўрсатдики, барча тажриба вариантларда фаол лойқа эрувчан кальций фракциясининг деярли икки баравар кўпайишига олиб келди. Худди шу тарзда, эрувчан ва эримайдиган кальций фракциясининг нисбати сувда фосфорит билан бошқариладиган вариантга нисбатан қаттиқ қолдиқ ишлатилган ҳолда 76,52% дан 85,66% гача.

Тадқиқот ишларини олиб боришда намуналарнинг элементар, минерологик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш учун таҳлилнинг физик-кимёвий усуллари, ИК-спектроскопик, физик-механик усуллар,


рентгенографик анализ, таҳлилнинг кимёвий ва фазавий усуллари ҳамда микроскопик таҳлили усулларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Паст навли фосфорит рудаларини бактериал қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобда паст навли фосфорит рудаларини фаол лойқа микрофлорасидан фойдаланган ҳолда бактериал қайта ишлов беришда микроорганизмларнинг таъсири тадқиқ қилинган.

5-жадвал

Рудани бойитиш жараёнида Қ:С (паст навли фосфорит рудаси : фаол лойқа) нисбати

С:Қ нисбати	ФР+сув	ФР+ФЛ (суюқ)	ФР+ФЛ (қаттиқ)	ФР+ФЛ (суюқ)+ Аэрация	ФР+ФЛ (қаттиқ)+ Аэрация
Турли вариантлардаги Р ₂ О ₅ нинг миқдори, %					
0	12,0	12,0	12,0	12,0	12,0
1	12,0	13	13,1	13,5	14,3
2	12,0	14,4	15,0	14,8	16,4
3	12,0	15,6	16,4	15,9	17,6
4	12,0	16,2	17,2	16,8	18,0
5	12,0	16,2	17,6	17,2	18,1
6	12,0	16,6	17,6	17,2	18,1
7	12,0	16,6	17,7	17,3	18,2
8	12,0	16,6	17,7	17,3	18,2




1-расм. Паст навли фосфорит рудасини бойитишга фаол лойқа миқдорининг боғлиқлиги

Паст навли фосфорит рудасини биотехнологик бойитиш жараёнида рудани фаол лойқага нисбати турли вариантларда тадқиқ қилиб кўрилди (5-жадвал ва 1-расм).

Паст навли фосфорит рудасига фаол лойқа аралаштирилиб бойитишга ҳарорат ҳам бевосита таъсир этиб, ҳароратнинг таъсири турли вариантларда тадқиқ қилиб кўрилди (6-жадвал ва 2-расм).

Паст навли фосфорит рудасини фаол лойқа билан ишлов бериб
бойитишга ҳароратнинг таъсири

Ҳарорат, ° С	ФР+сув	ФР+ФЛ (суяқ)	ФР+ФЛ (қаттиқ)	ФР+ФЛ (суяқ)+ Аэрация	ФР+ФЛ (қаттиқ)+ Аэрация
Турли вариантлардаги P ₂ O ₅ нинг миқдори, %					
5	12,0	12,0	12,0	12,0	12,0
10	12,0	12,8	13,1	13,6	13,8
15	12,0	14,4	14,6	15,4	15,6
20	12,0	15,6	15,9	16,4	17,1
25	12,0	16,8	16,8	17,2	18,0
30	12,0	16,6	16,6	17,2	18,1
35	12,0	16	16,5	17,2	17,6
40	12,0	15,8	16,5	17,1	17,5
45	12,0	15,5	16,2	17,1	17,2




2-расм. Паст навли фосфорит рудаси фаол лойқа аралаштирилиб бойитишга ҳароратнинг таъсири

Шунингдек, паст навли фосфорит рудасига фаол лойқа аралаштирилиб бойитишга вақтнинг таъсири турли вариантларда тадқиқ қилиб кўрилди (7-жадвал ва 3-расм).

Паст навли фосфорит рудасини фаол лойқа билан ишлов берганда структурасини ўзгаришига вақтнинг боғлиқлиги

Сутка	ФР+сув	ФР+ФЛ (суюк)	ФР+ФЛ (каттик)	ФР+ФЛ (суюк)+ Аэрация	ФР+ФЛ (каттик)+ Аэрация
Турли вариантлардаги P_2O_5 нинг миқдори, %					
1	12,0	12,0	12,0	12,0	12,0
2	12,0	11,4	11,4	14,6	13,8
3	12,0	12,5	11,7	16,3	15,9
4	12,0	13,4	12,1	17,2	17,3
5	12,0	14,2	12,7	17,2	18,0
6	12,0	15,1	13,4	17,2	18,0
7	12,0	15,8	14,2	17,2	18,0
8	12,0	16,2	14,9	17,2	18,0
9	12,0	16,3	15,8	17,2	18,1
10	12,0	16,3	17,6	17,2	18,1
11	12,0	16,3	17,6	17,2	18,2
12	12,0	16,4	17,6	17,2	18,2
13	12,0	16,4	17,6	17,4	18,2
14	12,0	16,5	17,7	17,4	18,2
15	12,0	16,5	17,7	17,5	18,2



3-расм. Паст навли фосфорит рудасига фаол лойка аралаштирилиб бойитишга вақтнинг таъсири

Паст навли фосфорит рудасига фаол лойка аралаштирилиб бойитишга ҳароратнинг таъсири хона ҳароратида, яъни 25-28°C да P_2O_5 ни миқдори 12% дан 18% гача ошиши аниқланди.

Ҳозирги вақтда Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритларини бойитиб юқори сифатли фосфорли ўғитларга айлантиришнинг янги оқилона усулларини топиш масаласи ўта долзарб ҳисобланади.

Бунинг учун Қизилқум фосфорит комбинатининг паст навли фосфоритларини фаол лойқа микрофлораси ёрдамида қайта ишлаб фосфорга бойитилган янги турдаги комплекс органоминерал ўғит олиш учун хом ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Бу таркибида P_2O_5 миқдори 12% дан кам бўлган фосфорли хом ашёларни самарали фосфорли ўғитга айлантириш имконини беради. Агар P_2O_5 нинг сувда эримайдиган қисми ўсимлик ўзлаштира оладиган эрувчин шаклга ўтсагина бу натижага эришиш мумкин

Қаттиқ фазадаги органик моддаларнинг миқдори, азот, фосфор, кальций ва магнийнинг миқдори суюқ фазадаги шу моддалар миқдоридан анча катта. Бироқ суюқ фазадан фойдаланишнинг энг асосий томони микроорганизмларнинг юқори фаоллигида намоён бўлишида, бу назорат вариантлари билан солиштирганда, биоген омиллар таъсири остида олиниши мумкин бўлган ишончли юқори натижаларга эришилганлигидан иборат. Натижада, руда таркибида минерал бирикмаларнинг ўзгариши содир бўлади ва эримайдиган шаклдаги бирикмалар эрийдиган шаклдаги бирикмаларга айланади.

Биокимёвий тозалаш иншоотлари аэротенкларининг муқобил тажриба қурилмасида паст навли фосфорит рудасини фаол лойқа микрофлораси ёрдамида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики Қ:С нисбати 1:4 бўлганда зичликни 1184,62 г/л дан 1099,01 г/л гача сезиларли ўзгаришини кўриш мумкин (8-жадвал).

8 – жадвал


Фосфорит рудаларининг фаол лойқа билан қайта ишлагандан сўнг зичликларининг ўзгариши

Намуналар	Зичлик г/л	рН
Дастлабки фосфорит рудаси + сув	1184,62	6,83
Фосфорит рудаси + фаол лойқа (суюқ фаза)	1132,82	6,82
Фосфорит рудаси + фаол лойқа (қаттиқ қолдиқ)	1131,37	6,60
Фосфорит рудаси + фаол лойқа (суюқ фаза) + аэрация	1105,54	7,05
Фосфорит рудаси + фаол лойқа (қаттиқ қолдиқ) + аэрация	1099,01	6,86

Зичликнинг пасайиши катта эҳтимол билан кальцит $CaCO_3$ минерали таркибидаги карбонат миқдорининг пасайиши билан боғлиқ. Бу ҳолат паст навли фосфорит рудаларини қайта ишлашда фосфорит рудасини тўғридан-тўғри аэротенкларга киритиш имконини беради, чунки уларнинг паст зичлиги қаттиқ ва суюқ фазани ажратишда кўшимча моддалардан фойдалананмасдан бевосита сув оқими ёрдамида амалга оширишга имкон беради. Барча ўрнатилган вариантларда муҳитнинг рН даражаси асосан нейтрал бўлиб, 6,7 дан 7,0 гача ўзгариб туради. Бу факт кальций фосфатни бошқа ишқорий ва нейтрал фосфатлардан кўра миқдори кўплигини кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида паст навли фосфорит рудаларини биотехнологик усулда бойитишнинг асосий технологик схемаси ишлаб чиқилди. Паст навли фосфорит рудасини биотехнологик бойитиш жараёнида рудани фаол лойка билан 5 сутка давомида ишлов берганда унинг структурасида ижобий ўзгаришлар юз бериб, P_2O_5 ни бойитмадаги миқдорини 18% гача ошиши аниқланди.

Паст навли фосфорит рудаси кўшиб тиндиргичлардан қайта ишлаб олинган қаттиқ қолдиқ ўз таркибига 18-22% гача P_2O_5 , 12-14% нитрат ва нитритлар ва 4-5% K_2O , шунингдек ўзимлик ўзлаштира оладиган кўринишдаги CaO , MgO ва кўплаб микроэлементлар йиғиндисини сақлайди.




4 - расм. Паст навли фосфорит рудаларини биотехнологик усулда бойитишнинг технологик схемаси

Диссертациянинг «Марказий қизилқум паст навли фосфорит рудаларини биотехнологик бойитишни ярим саноат миқёсида тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобда Жарой-Сардара кони фосфорит

рудаларини биотехнологик бойитишнинг технологик схемасини тавсия қилинади.

Фаол лойқа биоценози ва паст навли фосфоритларнинг ўзаро таъсири натижасида калцитнинг (CaCO_3) парчаланиши, яъни деструкцияси содир бўлди. Руда ва фаол лойқа аралашмасид амикроорганизмларнинг аероб турларини фаоллаштириш учун компрессорлар ёрдамида махсус аралаштиргичларга ҳаво етказиб берилди. Микроорганизмларнинг аероб турларидан биокимёвий тозалаш станциясининг аэротанкларида микроорганизмларнинг Псеудомонас тури ва Бациллус турларининг максимал сони (80% дан ортиқ) мавжуд. Айнан шу турдаги микроорганизмлар энг фаол бўлган ва франколит ва калцитнинг эримайдиган минералларини йўқ қилишга қодир. Микроскопик таҳлиллар шуни кўрсатдики, агар франколит кристаллари, хусусан, тадқиқот бошида катта бўлса ва нотекис, бурчакли шаклга эга бўлса, уларнинг ўлчамлари 150 дан 600 мкмгача бўлган бўлса, фаол лойқадан фойдаланганда бу зарралар аста-секин ўлчамлари кичрайди, бурчак шакли эса текисланиб, юмалоқроқ шакл олди. Аэрация билан фаол лойқа қўлланилгандан сўнг, франколит зарраларининг шакли юмалоқ бўлиб, уларнинг ўлчамлари қисқариб, тахминан 20-30 мкмни ташкил этди (6-расм).



дастлабки намуна

фаол лойқа билан қайта
ишланган намуна

ҳаволи муҳитда
фаол лойқа билан
қайта ишланган
намуна

5 - расм. Фаоллашган лойқа микрофлораси билан фосфорит рудасини қайта ишлашнинг микроскопик таҳлилида франколит заррачаларининг ҳажми ва шаклининг ўзгариши

Паст навли фосфорит рудаларини фаол лойқа микрофлораси билан аралаштириш ва компрессорлар ёрдамида аэрациялаш усули билан қайта ишлаш самаралироқ бўлди ва деструкцияланиш жараёнлари аэрация танкларида янада интенсив ва 4-6 кун давом этди.

Шундай қилиб 4-расмда келтирилган технологик схема кончилик институти лабораториясида тажриба синовлари ва «Электрокимёзавод» ҚК АЖ ярим саноат синовлари олиб борилгандан сўнг ишлаб чиқилди ва саноатда ишлаб чиқариш учун тавсия этилди, Ўзбекистон Республикасининг барча йирик шаҳарларида маиший-хўжалик чиқинди оқава сувларни биокимёвий

тозалаш станциялари мавжуд бўлиб, уларда Қизилқум фосфорит комбинатининг паст навли фосфоритларидан фойдаланиб бойитилган органоминерал ўғитлар олиш мумкин, бу эса давлатимиз қишлоқ хўжалигида фосфорли ўғитлардан фойдаланиш улушини сезиларли даражада оширади.

ХУЛОСА

«Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудаларини бойитишнинг биотехнологик усулини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларда асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Руданинг минералогик ва моддий таркиби ҳар томонлама тадқиқ қилинган. Асосий жинс ҳосил қилувчи минераллар франколит (фторкарбонатит) ва кальцит ҳисобланади.

2. Қизилқум фосфорити юқори даражада карбонатлашган бўлиб, наъмуналарда CO_2 нинг миқдори 27% гача ва ундан ортиқ бўлиб ҳисобланади. Фосфоритлар таркибида Ni, Mn Co, Cu мавжуд бўлиб, улар фосфоритларни фаол лойқа микрофлораси билан қайта ишланганда минерал ўғит таркибига микроэлементлар сифатида ўтади.

3. «Навоийазот» АЖ нинг биокимёвий тозалаш цехининг қаттиқ қолдиғини таҳлил қилиш натижасида асосий макроэлементлар – азот, фосфор, калий ва шунингдек барча микроэлементларнинг миқдори ўрганилди.

4. Биокимёвий тозалаш цехларининг ортиқча фаол лойқаси (8,83 минг т) ва стабиллашган чўкма (22,1 минг т) ларидан фойдаланишнинг муқобил ечими Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларини бойитишнинг биотехнологик усулларини қўллаш бўлиб ҳисобланади.

5. Фаол лойқа микрофлораси билан фосфорит рудаларини таъсирлашишини энг самарали усули ҳаво ёрдамида аралаштириш эканлиги аниқланди. Фосфорит рудаси учун интенсив ўзгаришлар 4-6 кунда содир бўлади.

6. Ҳавонинг интенсив аралашishi фаол лойқада мавжуд бўлган азот, фосфор, калий ва фосфорит рудаси таркибидаги P_2O_5 , CaO, MgO ларнинг эрувчан қисмини ошириш имконини беради.

7. Марказий Қизилқум паст навли фосфоритлари (12% P_2O_5) ва Навоий шаҳри маиший ва саноат чиқиндиларини тозалаш иншоотининг фаол лойқаси 1:4 нисбатда (500 кг фосфоритга 2000 л фаол лойқа), pH – 6,5 ва 25-28°C хона ҳароратида 4 кун давомида махсус аралаштиргичларда аралаштирилиб бойитилди. Олинган бойитма таркибида P_2O_5 нинг миқдори қўшимча 6% га ошади.

8. Илк бор таркибида азот, фосфор, калий ва бошқа фойдали микроэлементлар сақлаган фаол лойқани қўллаб, паст навли фосфорит рудаларини бойитишга жалб қилган ҳолда янги турдаги органоминерал ўғит ишлаб чиқариш учун яроқли бойитма олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди ва тавсия этилади.

9. Кенгайтирилган лаборатория ва ярим саноат миқёсида ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича Марказий Қизилқум паст навли фосфорит рудаларини биотехнологик усул билан бойитишнинг технологик схемаси таклиф қилинди. Кутиладиган иқтисодий самара йилига 100 000 т руда учун 12 млрд. 359 млн. сумни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

АСРОРОВ АНВАР АХРОР УГЛИ

**РАЗРАБОТКА БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СПОСОБОВ
ОБОГАЩЕНИЯ НИЗКОСОРТНЫХ ФОСФОРИТОВЫХ РУД
ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ**

04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Т1553.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице научного совета www.ndki.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Донияров Нодиржон Абдихакимович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор

Алимов Умарбек Кадирбергенович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «28» 03 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.Т.06.01 (адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуд Гаробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №87). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуд Гаробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан «14» 03 2022 года.

(реестр протокола рассылки №4 от «14» 03 2022 года).



К. Санакулов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

О.У. Фузайлов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.т.н., (PhD)

Д.Б. Холикулов

И.о. председателя Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н. доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой практике увеличение объемов сельскохозяйственного производства происходит за счет применения минеральных удобрений. Регулярное внесение только минеральных удобрений и, прежде всего, фосфорных удобрений может более чем вдвое повысить урожайность сельскохозяйственных культур. Особое значение имеет использование низкосортных фосфоритовых руд для производства новых видов высококачественных фосфорсодержащих минеральных удобрений.

Использование твердых фаз из бытовых и промышленных сточных вод в качестве удобрений в сельском хозяйстве становится все более популярным в мире. Было обнаружено, что добавление в почву активной иловой смеси улучшает ее физико-химические и биологические свойства. В этом отношении ведется много научных исследований. Особое внимание уделяется разработке эффективных методов обогащения низкосортных фосфоритовых руд для производства новых видов органоминеральных удобрений.

В нашей стране ряд научных и практических результатов достигается за счет внедрения передовых наукоемких технологий обогащения фосфоритовых руд и производства фосфорсодержащих минеральных удобрений из полученных концентратов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи по «углублению структурных реформ и динамичному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности государства, расширению производства экологически чистой продукции»¹ Исходя из этих целей, эффективная переработка низкосортных фосфоритовых руд для удовлетворения спроса на минеральные удобрения, накопление большого количества сточных вод, производство удобрений, богатых питательными веществами и органическими веществами, сточные воды содержат патогенные микроорганизмы, различные щелочи и исследования, направленные на разработку методов нейтрализации кислотами имеет большое научное и практическое значение.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПП-4947 «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан», от 23 августа 2017 г. № ПП-3236 «Программа развития химической промышленности. в 2017-2021 гг.», 25 октября 2018 г. № 3983 «Меры по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и 17 января 2019 г.

